# АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА...

А. С. Пушкиннинг «Тикланиш» сарлавҳали шеъри бор. Эслайсизми?

*Ваҳший рассом мудроқ, беизн,*
*Даҳо суратини бузади.*
*Ва у сурат устига ўзин*
*Бебурд суратини чизади.*

*Лекин у ёт бўёқлар бир-бир,*
*Кўчиб тушар йил сайин, аён.*
*Ва даҳо ижоди бекусур*
*Аввалгидек бўлур намоён...*

(Туроб Тўла таржимаси.)

Бу шеър шахсан менга буюк бобокалонимиз Амир Темур тақдирини эслатаверади. Ўтган асрлар мобайнида Амир Темурнинг оламшумул сиймоси, даҳо шахсияти, инсоният тарихида туб бурилишларни юзага келтирган мислсиз иродаси, замирида инсонпарварлик барқ урган тарихий фаолиятини ваҳшийларча бузиб талқин этишлар тўхтамади. Бундай ҳолат адабиёт ва санъатда ҳам давом этди. М. Герасимов деган антрополог-ҳайкалтарош Амир Темурнинг кичик бюст-ҳайкалчасини этни жимирлатадиган қора бўёқларда ишлагани ёдимизда. Ёки ёзувчи С. Бородин Амир Темур ҳақидаги уч китобдан иборат «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида Соҳибқиронни қамчисидан қон томадиган фотиҳ, ҳатто Тўхтамишхон ва Султон Боязидга қарши олиб борган жанглари ҳам бошқа юртларни забт этиш ва талаш учун олиб борилган, деб талқин этди.

Бугун бундай асарлар ва уларни урчитган тузум йўқликка юз тутди. Замон ўзгарди. Ватанимиз мустақиллиги, Президентимиз Ислом Каримовнинг матонатли саъй-ҳаракатлари билан нафақат бизда, балки жаҳонда Соҳибқирон сиймосига қараш тубдан ўзгармоқда. Сиёсатда, илм-фанда, фалсафада, адабиёт ва санъатда бу улуғ, забардаст зотнинг шахсияти ҳамда буюк тарихий хизматларини адолатли, иймон-инсоф билан одилона англаш, унга холис ёндашув замони бошланди.

Амир Темурни буюк тарихий шахс сифатида англаш адабиётимизда, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг Соҳибқирон тақдирига бағишланган йирик драматик асарида бор бўйи билан кўзга ташланади. Бу асар Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирилди ва уни томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олди. Шеъриятимизда, драматургияда, насрда ва публицистикада бобокалонимиз образини ўзига хос идрок этилган кўпдан-кўп асарлар пайдо бўлди.

Яна бир адибимиз Соҳибқирон ҳазратлари тўғрисида жуда катта ижодий мақсад-режалар билан иш олиб бормоқда. Биз бу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алини назарда тутяпмиз. М.Али ижодида Амир Темур сиймоси доимо муҳим ўрин тутиб келаяпти. Улуғ бобокалонимиз номи кучли маломат қилинган собиқ совет тузуми шароитидаёқ М.Али бундай муносабатларга жавобан бир шеърида Амир Темурнинг буюк шахс эканлигини ва у шундай бўлиб қолаверишини алоҳида таъкидлаб: «Бошдан тушганда ҳам тож барибир тож» сингари анча рамзий, сермаъно сатрларни битган эди. Шоир бу мавзуда достон ҳам ёзди. Ниҳоят, ўзининг «Сарбадорлар» номли романида Амир Темур сиймосининг бетакрор, ёрқин чизгиларини китобхонларга ҳадя этди. М.Али кейинги йилларда Амир Темурга бағишланган ва тўрт романни ўз ичига оладиган «Улуғ салтанат» номли маҳобатли асарни ёзишга киришди. 2002 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бу романлар туркумининг «Жаҳонгир Мирзо» деб аталган биринчи китобини ўқувчиларга туҳфа этди. Жорий йилда эса шу нашриёт адибнинг «Умаршайх Мирзо», деб номланган иккинчи китобини ҳам нашрдан чиқарди. М.Али навбатдаги китоблар устида ишламоқда. Айтиш керакки, бу асарлар адабиётимизда Амир Темур тақдирини бадиий англаш жараёнини сезиларли даражада чуқурлаштирмоқда.

Адиб ўз романлари туркумини «Улуғ салтанат» деб атаган. Чунки Амир Темурнинг тарих майдонига чиқишдан бош мақсади она Ватани Туронзаминни мўғуллар истибдодидан озод этиш ва қудратли марказлашган давлатни — улуғ салтанатни барпо этиш эди. Асарнинг марказига Соҳибқирон бобомизнинг ана шу улуғ орзу-нияти ва уни амалга ошириш йўлидаги фидойилиги, жасоратли курашлари кенг кўламда тасвир этилган. Бу улкан ҳақиқат — романлар туркумининг асосий бадиий концепциясидир.

М.Али романларида Амир Темур давлат бошқарувининг мазмун-моҳияти унинг ўз тилидан қуйидагича изҳор этилади: «Самарқандда шундай боғлар барпо этайликки, кўрғонлар ҳайратдан ёқа тутсунлар. Ҳар шаҳарда муҳташам иморатлар, масжиди жомеълар бино қилғаймиз». Ёки: «Бизнинг қудратимиз — умр деган савдонинг меъморликдан иборат эканлигини теран англағонимизда, тер тўкишни ардоқлағонимиз ва гўзалликка мафтун бўлғонимизда, ишончу иймон мамлакатига зийнату равнақни раво кўрғонимизда!».

Бу шунчаки гап эмас. Соҳибқирон бобомизнинг улкан ҳаёти бунёдкорлик, меъморликнинг ажойиб намуналарига бой. «Улуғ салтанат»нинг ҳозирги икки китобида Амир Темур ташаббуси билан барпо этилган боғлар, меъморлик иншоотлари воқеалари қаламга олинган. Шу билан бирга, бунёдкорлик М.Али романларида кенг миқёсда тушунилади. Масалан, боғлар, иморатлар қуришдан ташқари мамлакатда адолатли ҳаётни барпо этиш ҳам бунёдкорликдир. Марказлашган давлатни вужудга келтириш янада буюк бунёдкорликдир. Албатта, бундай бунёдкорлик осон кечмаган. Хусусан, Хоразм воҳаси — азалдан Туронзаминнинг бир қисми. Лекин Амир Темур даврида у иккига бўлинган: ярми — Мовароуннаҳрда, иккинчи ярми — Олтин Ўрда тасарруфида эди. Икки ёрти Хоразмни бир бутун қилиш ва уни Турон салтанатининг шимолий ҳудудларига айлантириш учун эса Амир Темур, аввало, дипломатик йўлларни излайди. Ҳатто ўғли Жаҳонгир Мирзони Хоразм маликаси Хонзода бегимга уйлантириб, қуда-анда, қариндошчилик орқали мамлакат бир бутунлигини таъминлашга интилади. Бироқ Хоразмнинг Олтин Ўрдага қарашли қисмини бошқарган Ҳусайн Сўфи каби ўз шахсий манфаатини Хоразм бирлигидан кўра афзал билган ҳукмдорларнинг бузғунчилиги сабаб бўлиб, Амир Темур бу ҳудудга кетма-кет юришлар қилишга мажбур бўлади... Хоразмни Туронзаминга қўшишда метин иродали ҳамда оғир изтиробларни бошдан кечирган инсон сифатида намоён бўлади. Бу қатъият ва изтироблар «Улуғ салтанат»нинг биринчи китобида кўрсатилган.

Шу ўринда «Улуғ салтанат»нинг ички бадиий тузилиши — композицияси тўғрисида қисқача тўхталсак. Бу эпик асарнинг тўртта романи Амир Темур ҳазратларининг тўртта фарзанди номи билан аталмоқда. Масалан, биринчи китоб — «Жаҳонгир Мирзо», иккинчиси — «Умаршайх Мирзо», деб номланган. Асар қисмларининг бундай номланиши ўзига хос маъноларни англатади. Аввало, адиб бу йўсинда Соҳибқирон ҳаётининг тўрт фаслини кўрсатишни ният қилган. Биринчи китобда тўнғич ўғил Жаҳонгир Мирзо тақдири орқали Амир Темур салтанатининг туғилиши ва шаклланиш босқичи акс эттирилади. Иккинчи ўғил — Умаршайх Мирзо воситасида Амир Темурнинг ўз салтанати хавфсизлигини таъминлаш йўлида мўғул хони Қамариддин ва Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхонга қарши олиб борган курашлари кўрсатилади. Айни шу даврдаги Амир Темурнинг сиёсий фаолиятида бу ўғли фаол иштирок этган. Ушбу романни ёзиш учун ҳам адиб жуда катта ҳажмдаги тарихий маълумотларни ўрганганй яққол сезилиб турибди. Романда Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатлари тарихи анча батафсил қаламга олинади. Бобокалонимизнинг буюк тадбиркорлиги, сиёсий донишмандлиги, ҳалол ва тантилиги, ҳам меҳрли, ҳам қатъиятли инсонлиги тарихий манбааларга суянган ҳолда ҳаётий, ишонарли очилади. Романларнинг Соҳибқирон фарзандлари номлари билан аталганининг яна бир маъноси шундаки, адиб Амир Темурни нафақат давлат арбоби, ҳарбий саркарда сифатида, балки шу билан бирга, уни сизу биздай оддий инсон тарзида, оилада, аёллари, фарзандлари, неваралари билан ўзаро муносабатлар шароитида ҳам кўрсатишни мақсад қилган. «Улуғ салтанат» худди шу фазилатига кўра ҳам бадиий темурномамиздa янги, қизиқарли саҳифалар бўлгусидир.

Амир Темур бу асарларда нафақат давлат ташвишлари билан яшаган ҳолда кўрсатилади, айни пайтда, у ўз аёлларига чуқур эҳтиромли инсон, фарзандларга меҳрибон ота, невараларга суюкли бобо тарзида намоён бўлади. Мана шу аёллар, фарзандлар, невараларнинг бахтли бўлиши учун ҳамма нарсани қилишга тайёр. Амир Темур Жаҳонгир Мирзо ёки неваралар дунёга келганида ичига сиғмай қувониб, элга катта тўйлар беради. Жаҳонгир Мирзо вафот этганида эса қудратли ҳукмдор эканини ҳам унутиб, бағрини ердан кўтара олмай, қайғу-алам оғушида эзилади. Эрта тул қолган келини Хонзода бегимнинг бошини оталарча кўкрагига босиб, йиғлайди. «Энди ўғлим ўрнида ўғлимсиз, қизим», дейди. Давлат ва оила масалаларини ҳал этишда катта хотини — Сароймулкхоним билан доимо маслаҳатлашади... Хуллас, Соҳибқирон «Улуғ салтанат»да мана шундай, энг инсоний жиҳатлардан ҳам жонли гавдалантирилган.

Роман тилида тарихий руҳ яққол сезилиб туради. Бунинг устига, адиб Амир Темур даврига хос «Хонсолор», «Тингчи», «хатти устивор» («экватор чизиғи»), «рикоб» (узанги) каби ўнлаб бетакрор тарихий сўзларни ҳам топган ва бу сўзлар асарлардаги тарихий руҳнинг бетакрорлигини таъминлаган. Халқ тили, шева, лаҳжа бойликлари қаҳрамонлар ички ва ташқи қиёфасининг ўзига хослигини очишга хизмат қилдирилган. Китобларда шоирона ташбеҳлар, ифодалар, аввало, тасвир гўзаллигини таъминласа, айни пайтда, баъзида тарихнинг мураккаб маъноларини ёрқин ифода этади. Булар ҳам М.Али романларининг ютуғи, албатта.

Шу билан бирга, адибга айрим эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, бадиий тасвирда меъёр, деган талаб ҳам бор. М.Али романларида гоҳида шу талаб унутилади. Масалан, илк китобда Жаҳонгир Мирзо ва Хонзодабегимнинг биринчи висол кечалари ошкора эротик лавҳаларга айлантирилади. Эҳтимол, адиб бундай лавҳалар китобни қизиқарли қилади, деб ўйлар. Бизнингча эса, бу лавҳалар зотизурёди улуғ инсонларни бачкана шахслар даражасига тушириб қўйган. Бундай шаҳвоний тафсилотлар иккинчи китобда ҳам учрайди. Адиб ким, қандай улуғ зотлар тўғрисида қалам тебратаётганини унутмаса яхши бўларди.

Романларда «юраги бўлкиллади», деган бир ибора такрорланаверади. «Юрак бўлкиллаши» Амир Темурда ҳам, бошқа эркагу аёл қаҳрамонларда ҳам рўй бераверади. Бу эса, қаҳрамонлар руҳиятининг ўзига хослигига путур етказади.

Истардикки, адиб кейинги романлар устида ишлаш чоғида бундай жиҳатларга эътиборлироқ бўлса. Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» номи остида юзага келаётган романлар туркуми Амир Темурдай оламшумул сиймони замонавий англашнинг яхши бир намуналари сифатида ҳозирги адабиётимизнинг салмоқли ютуқларидан, деб ҳисобланишга муносибдир.

**Михли САФАРОВ**

Такриз

# АЁЛ КЎНГЛИ

Саида Зуннунованинг "Танланган асарлар" мажмуасига сўзбоши ёзган таниқли олим Иброҳим Ғафуров адиба шахсияти, инсоний фазилатлари ва айнан ана шу фазилатларнинг у яратган қаҳрамонлар табиатига кўчиб, асарларига жозиба бахш этгани, машаққатли ҳаёт йўли ҳақида қисқа, аммо етарли маълумот беради. Адабиётшунос шоира ижодининг бош йўналишига: "Ҳамма қаҳрамонларини меҳнатнинг турфа синовларидан ўтказди. Барча шеърлари, достонларини туганмас меҳнат ичра ўзини ўзи яратган ва туганмас меҳнатда ютиб чиққан одамларнинг ва айниқса, хотин-қизларнинг қўшиғи каби яратди," — деб жуда тўғри баҳо беради. Сўзбошининг "Руҳий чекиниш" қисми эса, муаллифнинг шоира билан хаёлан қурган суҳбати, бугунги кун аёли, ижодкор тасаввурида аёлнинг муштарак ва фарқли томонлари, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги қарашларининг ҳаётий мисоллар ёрдамида қизиқарли тарзда баён этилиши асосига қурилган.

Саида Зуннунованинг 1976 — 1977 йиллари эллик йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган "Танланган асарлар"и билан кейингиси ўртасида чорак асрлик муддат бор. Орадаги узоқ йиллик танаффус ва қарашлардаги ўзгариш, ўсишни назарда тутган ҳолда, замона зайли билан ёзилган, бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолган баъзи асарлар кейинги нашрга киритилмаган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай асарлар шоира ижодида жуда кам, асосан ижодининг дастлабки даврларида учрайди, уларни шеърий машқлар дейиш мумкин. Булардан шоиранинг ўзи ҳам қониқмаганлиги боис: "1937 йилда биринчи шеърим чиққан бўлса, 1957 йилдан бошлаб сал дурустроқ шеърлар ёза бошладим десам, салкам йигирма йил йўл юрибман," — деб ёзган ва шу давр мобайнида яратилган асарларини ўзи тартиб берган "Танланган асарлар"ига киритишни лозим топмаган эди. Лекин ўз хоҳишига қарши ўлароқ давр тақозоси туфайли улардан айримларини китобнинг илк саҳифаларига жойлаштиришга мажбур бўлганди.

Тўпламга Саида Зуннунованинг энг яхши шеърлари, тўрт достони, ўн битта ҳикоя ва учта қиссаси жамланган. Шоира шеърияти бадиий жиҳатдан бақувватроқ эканлиги ва ўзгача нафосатга йўғрилганини мутахассислар ҳам, зийрак китобхонлар ҳам таъкидлашади. Бир суҳбатда академик Матёқуб Қўшжоновга адабиёт соҳасида изланишлар олиб бораётганимни, илмий мавзуим Саида Зуннунова шеърияти тўғрисида эканлигини айтганимда, у киши шоиранинг бошқа турдаги асарларини камситмаган ҳолда, холис баҳолаб: "Айниқса, шеърияти бетакрор ва ўзига хос эди. XX асрдаги энг кучли аёл шоира ик-




кита бўлса, унинг биттаси, шубҳасиз, Саида эди; унинг ижоди жиддий тадқиқ қилишга лойиқ", — деб ишимга ривож тилаганди. Шоиранинг "Сен ҳам шундаймидинг...", "Зиналар", "Романлар, азизлар...", "Ҳаётдан нолиса биров, суймайман...", "Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз...", "Сўнгги йўл", "Чўли Ироқ", "Соғиниш", "Хаёлимни бузма..." каби ўнлаб шеърларини барча замон ўқувчиси ҳам севиб ўқийди. Сабаби шоира "*Ҳисларга на дину на тиллар тўсиқ. Урфу одатлар ҳам беролмас бардош*", — дея ёзганидек, йиллар тўзонию асрлар силсиласи-да инсон қалбини ўзгартиролмайди, минг йиллар аввал одамзотни титратган, ҳаяжонга солган ҳис-туйғулар бугунги кун одамининг табиатида ҳам асл ҳолича яшамоқда. Саида Зуннунова шеърларини ана шундай ҳисларнинг акс-садоси янглиғ жаранглатмоққа урингани ва бунга эриша олганига тўпламни варақлаб кўриш асносида амин бўламиз. Шеърларни ўқир эканмиз, шоира ўз ижоди ҳақида камтарона айтганига, асарлари қатрадек йўқолишга лойиқ эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз:

**Қатра сингса ҳамки**
**ернинг бағрига,**
**Лоақал қонади тупроқ**
**бир чимдим.**
**Шеърларим қайсидир**
**дилнинг қаърида**
**Бир орзу, эзгу бир**
**ният уйғотиб,**
**Бир туғён, гўзал бир**
**ҳисни қўзғатиб**
**Қатрадек йўқолса мен**
**рози эдим.**

Китобга киритилган автобиографик характердаги "Лирик нутқ", "Қўшниларим" достонлари орқали шоиранинг гўзал ички дунёси, орзу-ўйлари, ҳаёти билан яқиндан танишиш мумкин бўлса, "Руҳ билан суҳбат", "Алла" достонлари ўқувчини умуминсоний қадриятларнинг ҳаётда тутган беқиёс ўрни, аёлнинг кичкинагина жуссасига жо этилган мислсиз қудрат ва сабр-матонат оламни сақлашга, ҳаётнинг давомийлигини таъминлашга қодирлиги ҳақида мулоҳаза юритишга чорлайди.

Саида Зуннунова аёл образини доимо асар сюжетининг марказига қўйишга, уни воқеаларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида тасвирлашга, табиатнинг бу нозик хилқати доимо эътиборга, меҳрга ташна эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу ҳол айниқса насрий асарларида бўртиб кўринади. Унинг прозада ўзини синаб кўриш учун ёзган илк ҳикоялари ҳам худди шу мақсад йўлида яратилганини сезиш қийин эмас. Саида Зуннуновага шуҳрат келтирган "Қуллар" ҳикоясидаги Малика хола, "Буви"даги Умринисо буви, "Ўшанда ҳам куз эди"даги Баҳри хола, "Шу уйнинг бекаси"даги Умринисо ўзбекнинг оддийгина, соддадил аёллари. Лекин уларнинг ҳар бир гапидан, хатти-ҳаракатидан ўзимизга таниш нимадир топамиз, кўз олдимизга беихтиёр бувимиз ёки биз яқиндан билган, ҳурматимизни қозонган муштипар аёл сиймоси келади, уларни ширин бир энтикиш билан эслашнинг ўзиёқ руҳимизга ором беради, қалбимизда эзгу амалларни қилишга рағбат уйғотади, кимгадир яхшилик қилгимиз, кўнглини олгимиз келади, атрофимиздагиларга меҳримиз ортади. "Ёлғизлик"даги илмий иш, обрў-эътибор деб оиласини барбод этган Иқболхоннинг тақдири, "Йўл бошида" ҳикоясида фарзандини тушунишни истамай панд еган Санталатнинг ҳолати беихтиёр ўйга толдиради.

"Сўқмоқлар" қиссаси илк бора 1959 йили "Шарқ юлдузи" журналида босиб чиқарилган ва муаллифнинг бошига кетма-кет "тўқмоқ"лар ёғилишига сабаб бўлган асар эди. Саида Зуннунова қиссада Шарқ халқларига хос бўлган аёллик шаъни, қадр-қиммати топталаётгани ва унинг оқибатларини кўрсатишга уринган, аммо миллатларни яхлитлаш, беш қўлни баравар қилиш сиёсати қатъий юргизилаётган даврда муайян бир халқнинг қадриятлари, урф-одатлари билан ҳеч ким ҳисоблашиб ўтирмас, бундай гапларни дадил ёзиш бошни кундага қўйиш билан тенг эди. Ҳаётни фақат қора бўёқларда, ноҳолис ёритган асар сифатида қатағонга учраб қирқ йил мобайнида архивга ташлаб қўйилган асар "Танланган асарлар" китобида Саид Аҳмаднинг "Қатағон қилинган қисса" сўзбошиси билан бирга берилган. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2005 йил 14 октябр сонида эълон қилинган "Сўқмоқлар" (асарнинг қоғозга тушмай қолган саҳифалари) китобхон учун қиссанинг янги маъно қатламларини, қирраларини кашф этишга, муаллиф мақсадини тўлароқ тушунишга ёрдам беради, дейиш мумкин. Бу саҳифаларни адиба ёзмоқчи бўлган, лекин оғир хасталик ва бевақт ўлим туфайли ниятини амалга оширолмаган. Орадан қирқ беш йил ўтиб, Саид Аҳмад Саида Зуннунованинг вафотидан бир кун олдин оғзаки баён қилиб берган ўша саҳифаларни тиклаган ва адиба айтмоқчи бўлган, лекин ўша замонда айтиш мумкин бўлмагани учун очиқ ёзолмаган тафсилотларга ҳам ўрин берган.

Китобга киритилган "Олов" қиссасининг бош қаҳрамони — катта бир жамоанинг бошчиси, урушнинг оғир дамларида қўл остидаги одамларнинг дарди билан яшаган, уларга ўрнак, мадад бўла олган иродали аёл Ширмонхон. Асарда инсон руҳий дунёсидаги зиддиятлар, оналик меҳри ва ватанпарварлик, фарзанд тарбиясидаги мураккабликлар, ҳақиқий муҳаббат ва унинг ширин азоблари, турмуш ташвишлари каби боқий мавзуларга ҳам кенг ўрин берилгани ва ҳаёт ҳақиқатига монанд акс эттирилгани унинг яшовчанлигини таъминлаган.

Вафотидан сўнг салкам ўттиз йил ўтган бўлишига қарамай асарларининг халқимиз томонидан севиб ўқилаётгани, улардан маънавий озуқа олаётгани нафосат куйчиси — Саида Зуннунованинг барҳаётлигидан далолат беради.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**
**ЎзМУ аспиранти**

**Рамз БОБОЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ЭЛ АРДОҒИДА

Ёднома

Эсласам, қарийб етмиш йил муқаддам, 1936 йил, эрта куз фасли... Болалар адабиётига бағишланган Тошкент шаҳар ёзувчилари кенгаши... Ҳайъатда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Сотти Ҳусайн, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқалар. Тенгдошлар даврасида хитойча жужунчадан пешмат кийган, истараси иссиқ, тили ширин, ёқимтой Ҳамид! Ўша йиллари илк шеърлари билан машҳур бўлган шоир Ҳамид Ғулом!

Фақат энди сочларида оқ, манглайида икки-уч ажин — кексалик аломати, етукликдан нишона...

Аммо қалби ҳамон қайноқ, қалами чапдаст! Шундай бўлмаса, ҳозир муҳаббатни ким куйларди, "Вафонинг узун йўли" рисоласини ким ёзарди?

Ўйласам, Ҳамид Ғулом ижоди серқирра, сербарака: жумладан, "Машъал", "Феруза", "Бинафша атри", "Мангулик" романлари, "Қитъалар уйғоқ" балладалар туркуми, "Лолакўл", "Амазонка қўшиғи" достонлари, "Тошболта ошиқ", "Муҳаббат навоси" каби мусиқали драмалари томошабин ва китобхон меҳрини қозонгани, очерк ва мақолалари умумхалқ оммасини меҳнат мўъжизаларини яратишга руҳлантиргани бежиз эмас. Аммо бобоси унга шеър ёзиш тугул, ҳатто ўқишни ҳам раво кўрмаган, билакс, ҳунар ўрганишни, касб эгаллашни тавсия этган.

Қизиғи шундаки, ўзи Саъдий ва Навоий, Бобир ва Машраб ғазалларини севиб ўқиган, ёддан билган. Айни бу ҳолат ҳали ёш Ҳамидга таъсир кўрсатмасдан, унинг қалбидаги сирли туйғуларни уйғотмасдан ўтиб кетмаган. Ҳатто ўз маҳалласидаги Форобий номидаги мактабни тамомлаб, бобосининг маслаҳатига кўра, ўн тўрт ёшида Ўрта Осиё индустриал институтининг ишчи факултетига кирганда ҳам, илҳом париси уни тарк этмаган, ҳамиша ҳамдард, ҳамнафас бўлган:

***Ўлкам севинчига пайванд этай***
***Юрак шеърини.***
***Оппоқ қоғозларга севиб, битай***
***Одам меҳрини...***

Нақадар содда ва самимий сатрлар!

Эсласам, ўша йиллари қишнинг узоқ кечаларидан бирида Ҳамиднинг уйидаги танча четида ҳар иккимиз шеър машқ қилиб, тонгни кутганимиз, Асқад билан шахмат ўйнаб, оқшомни тунга улаганимиз, Туроб билан ижодий баҳс ва мунозара оқибатида чарчаб, бошимиз қотган бўлса ҳам, эртаси яна бири-биримизни қидириб қолганимиз... Ўша йиллари Тошкент Давлат педагогика институти миллий адабий ҳаракатчиликнинг маркази эди ва бу анъана узоқ давом этди, яъни "Ёш қаламкаш" номли адабий тўгарагимиз мунтазам ишлаб турарди. Кези келганда таниқли шоирларни учрашувга таклиф этардик. Ҳа, шундай... айниқса, Усмон Носир ёшлар ўртасида жуда машҳур эди, пешвоз чиқиб кутиб олардик. Ўша йиллари унинг "Юрак", "Меҳрим" шеърий тўпламлари қўлма-қўл ўтиб ўқиларди, севардик, ардоқлардик. Шундай учрашувлардан бири ўзимиз қазиган "Бешёғоч" кўли ўртасидаги кичик бир оролчада янграган шеърхонлик!

Эсласам, ўша оқшом ўқилган шеър тонгга уланган эди, тонг нурларига... Эсимда қуёшни интиқиб кутганимиз... Лекин, бахтга қарши, бундай ижодий гурунгни худо кўп кўрдими ёки кўз тегдими, билмайман, асал заҳарга айланди, шахсга сиғиниш панд берди. Пушкинни, ҳатто Шекспирни ўзбекка танитган Чўлпон, Гоголь кулгисидан миллатни баҳраманд этган Қодирий миллатчиликда айбланди. Лермонтовдан "кўмак" ўтинган Усмон Носир қамалди... ёш авлод бошига бевақт мусибат тоши отилди, начора! Мени сўроққа тутдилар:

— Ҳамид Ғулом сенинг уйингга бордими?

— Борди.

— Усмон Носир шеърларидан ўқидими?

— Йўқ!

— Нега ёлғон гапирасан, ўқиган, халқ душманини ташвиқ қилган.

— Туҳмат, — дедим қатъият билан,— Усмондан эмас, Пушкиндан ўқигани рост!

Бу воқеа шундай рўй берган эди: кечқурун Ҳамид бир ошнаси билан бизникига кириб келди, ёз фасли... Ҳовлининг этагига қўйилган чорпояда ўтириб бир пиёладан чой ичдик, бир ошамдан ош ҳам едик. Менинг ойим, айниқса, дадам: шеър ўқиса Ҳамид ўқисин, дердилар. Ҳа, яна шундай илтимос бўлди. Мен ўзбек тилида нашр этилган Пушкин китобини келтириб, унинг қўлига бердим. Бир-икки варақлаб "Боғчасарой фонтани"дан ушбу сатрларни ўқиди:

***Қовоқ солиб ўлтирар Гарой,***
***Лабларида қаҳрабо чилим.***
***Даҳшатли хон атрофида жим***
***Бош эгиб, тек турарди сарой...***

Ҳа, жуда яхши ўқиди, янгратиб юборди. Аммо у билан бирга келган ошнаси, негадир ёлғон гапириб, Ҳамидни сотганлигидан, мунофиқлик қилганлигидан жуда ғазабландим, такрор-такрор айтдим: "Ҳамид Пушкин асарини Усмон Носир таржимасида ўқидику, хўш?.."

Барибир бўлмади, не савдолар бошимизга тушди?!

Ўттизинчи йиллари бошланган очлик кўп ўтмай маънавий қаҳатчиликка уланиб кетди, қамоқ, лагер... Кўп ўтар-ўтмас уруш... Мамлакат ичкарисида "Ҳамма нарса фронт учун!", "Фашист босқинчиларга ўлим!" деган шиорлар ҳар бир фуқаронинг виждон бурчи, кундалик ишига айланиб қолган эди. Биз ёзувчилар шиддатли уруш кунлари газета саҳифаларида босилган шеърларимиз, радио тўлқинларида янграган оташин чиқишларимиз билан азамат жангчиларга мададкор бўлиб турдик. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий ва бошқа кўп ўзбек ёзувчиларининг шеър ва ҳикоя, очерк ва бадиий лавҳалари фронтдаги ўзбек жангчилари орасида севиб ўқиларди.

Йиллар ўтди, салмоқли йиллар... Эсласам, бир кун Ҳамид Ғулом билан бирга Фарғона водийсига йўл олдик ва у ерда дала меҳнаткашлари билан учрашдик. Очиғини айтсам, ҳар бир учрашув қизғин мунозарага айланди, суҳбат экология масалаларига, шу жумладан, Орол тақдирига бориб тақалди. Бу, албатта, табиий бир ҳол эди. Чунки сафаримиз Фарғонадан бошланган бўлса, биринчи манзил водил ерлари — Миндон ва Чимён қишлоқлари эди. Сув тагида қолган пахтазорларни, тошқиндан зарарланган уй-жойларни, мактаб, кутубхона ва маъмурий биноларни бу ерларда кўплаб кўрдик. Табиий офатдан жабру жафо чеккан аҳоли дардига шерик бўлдик. Лекин табиий офатга қарши курашда халқ камарбаста, юрагида ўти, билагида кучи бор, ҳамма ўзини бурчли билиб, ҳормай-толмай тер тўкаётганини кўриб ҳаяжонландик, ногоҳон яна шеърият тилга кирди:

***Асримни авайлаб, бошга кўтардим,***
***Оёғига сочдим дил-дилимдан нур...***
***Аммо ўпкам қисиб, йўлда йўталдим,***
***Кўзларимга олам кўринди бужур...***
***Табиат қақшаса, одам қақшайди,***
***Наҳотки,***
***Юз берса, кўз ўнгимда бу!***
***Табиат яшнаса, олам яшнайди,***
***Яшнайди муҳаббат,***
***Қўшиқ ва чолғу...***

Мен бошлаган мушоирани бизга ҳамроҳ бўлган истеъдодли қалам соҳиблари Йўлдош Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла, Қамчибек Кенжа, Ҳалима Эгамбердиевалар давом эттирди, уни Ҳамид Ғулом якунлади.



Суратда: (чапдан) Рамз БОБОЖОН, Ҳамид ҒУЛОМ.

Эсласам, Ҳамид етмишга етганида ҳам, саксондан сакраб ўтганида ҳам унинг серқирра ва сербарака ижоди ва босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ҳақида иккиуч оғиз сўз айтганман. Наҳотки, ўшандан бери ўн беш йил ўтди? Хўш, шундай экан, ўтган йиллар мобайнида қандай яшадик, қандай ишладик, қандай воқеалар юз берди? Бу саволнинг жавоби бир қараганда осон, аммо, жуда теран, жуда мароқли... ҳатто, ўн беш йил эмас, унга етар-етмас фурсат ичида элу юртимизда жаҳоншумул улкан ўзгаришлар, тарихий бурилишлар, тасаввурга сиғмас янгиликлар юз бердики, энг муҳими, энг мукаррами, бу ўзбекнинг эзгу тилаги, асрий армони — Мустақилликдир!

Президентимиз бош бўлиб, илму маърифат, санъат ва адабиёт, умуман, зиёли аҳли даҳлсиз давлатимиз таъмал тошини, маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш билан банд бир пайтда Ҳамид Ғулом қутлуғ жараёндан четда бўлмади:

***Ёшликдагидай соз уравер юрак,***
***Мен ҳали кўп йиллар яшашим керак!***

***Сабабки, чин даврон энди бошланди,***
***Халқимга шараф-шон энди бошланди.***

***Эзгу мақсадим: эл камолин кўрай,***
***Юртимнинг беқиёс жамолин кўрай...***

***Белни маҳкам боғлаб, ким шимарса енг,***
***Унга саодат ёр, унга олам кенг.***

***Кимки Ўзбекистон деса — тиллар бол,***
***Кўксин тоғ каби кўтарар иқбол.***

Ҳамид Ғулом Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида узоқ вақт бошқарув котиби, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида директор, республика журнал ва газеталарида муҳаррир бўлиб ишлади ва ўз фаолиятида етук ташкилотчи эканини кўрсатди.

Ҳамид Ғулом Ўзбекистон халқ ёзувчиси, санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, деган шарафли унвон ва бир неча орден, медаллар соҳиби эди...

***Дейдиларки, шоир зоти икки***
***бор яшар эмиш,***
***У ўлса ҳам, шеъридаги***
***эътибор яшар эмиш...***

Дарҳақиқат шундай! Ҳамид Ғулом босиб ўтган йўл ҳамиша чароғон, қалами остидан чиққан ҳаётбахш асарлар эса эл қароғида, юрт сабоғида!..

Ёднома

# ЮЛДУЗЛАР "ЗУҲРО"СИ ЭДИ

Юлдуз опа билан кўп учрашганман. Шундай учрашувларнинг бирида "Минг раҳмат сизга! Ўзбек қизининг гўзаллигини, садоқатини оламга машҳур қилгансиз", — деб кўркам суҳбатдошимга самимий муносабатимни билдирганимда, Юлдуз опа шундай дегандилар:

— Кўнглимни ҳамиша кўтарасиз. Унут бўлаёзган ўша дамлар мен учун қадрли. Ёнимда қандай истеъдодлар, забардаст шахслар бўлганидан фахрланиб юраман: куюнчак, меҳрли мураббий Наби ака Ғаниев, хушмуомала, маданиятли мўйқалам соҳиби Чингиз оға Аҳмаров, ижрода тенги йўқ Асад ака Исматов, сўзлаши, ўзини тутишида улуғворликни (манманликни эмас) ҳамиша сезиб туришини асло яширмай, аксинча, кўз-кўз қилиб турадиган Аброр ака Ҳидоятов, салбий роллар ўйнаб кўпчиликни ҳайиқтириб қўйган Обид Жалилов, ош дамлаб, қозонга капгирни уриб, суратга олиш майдончасидагиларни чақирганида вазминлик, шоирона табиат билан унга юзланган Раззоқ ака Ҳамроев кўз олдимдан ўтади.

Юлдуз опа ўзлари биладиган, қадрлайдиган алломаларнинг айримларини тилга олдилар ўша дўстона суҳбатда. Уларнинг барчаси Юлдузхонга меҳр қўйган, бири қизи сифатида эркалаган, иккинчиси маликалардек бу гўзални бамисоли Зуҳрадек қабул қилган, ардоқлаган, баъзилари эса севиб қолишдан қўрқиб узоқдан кузатиб юрган. Очиқ кўнгил, қувончида ҳам, қайғусида ҳам ҳамиша самимий бўлган Чингиз Аҳмаров эса 1947 йили киностудияга мўйқалам ва бўёқлари билан келиб, унинг расмини чизган. Оқ-қора тусдаги бу портрет рангли чизиқлар, уларнинг силсиласи тарқатадиган жозибани эҳтимол беролмас. Лекин йигирмадан йигирма бир ёшга қадам қўйган Юлдузхоннинг ёшлик ғурури, кўркам чеҳраси, доно кўзлари бу оқ-қора портретда ҳам ўз аксини топган. Бу асар яратилиши тафсилотлари ҳақида Юлдуз опа қисқагина ҳикоя қилиб берган эдилар:

— "Фарғона қизи" суратга олинаётган кунлар эди. Шайхонтоҳурдаги студияга келган Чингиз Аҳмаров портрет чизиш ниятида эканлигини айтди. "Тоҳир ва Зуҳра"га кўп реклама тайёрланган, фотосуратлар мўл. Ўшалардан нусха олақолинг, дедим. Кўнмади. Реквизит цехидан Зуҳранинг либосини олиб кийишимни ҳам истамади. "Ҳаётда қандай бўлсангиз, шундай чизаман", деб туриб олди. Дамбадам менга зеҳн солиб қарар, нималарнидир чизиб, соч таралишини, нигоҳ ташлашимни ўзгартирмоқчи бўлар, сўнгра яна мўйқаламини олиб, берилиб портрет чизишда давом этарди. Мен бир жойда узоқ ўтиришга ўрганмаганман, бунинг устига режиссёр ассистенти келиб, мени павилонга чақирар, расм шундай вазиятда чизилган эди. Бу портрет мен учун жуда қадрли. Ижодга тўлиб-тошган пайтларим эди. Мусаввир ўша портретнинг бирдан-бир нусхасини менга ҳадя этган, илиқ сўзлар айтган.

Ўша кунлари Юлдуз опа билан ҳамиша бирга бўлган, гоҳ Тоҳир бўлиб, гоҳ "Фарғона қизи" қаҳрамони — Дилбарнинг меҳрибон акаси бўлиб, роллар ўйнаб юрган Ғулом Тожиаълоевдан андишани бир дам унутиб сўрадик:

— Ғулом ака, Юлдуз опа умрининг баҳор чоғлари сиз билан ўтган. Малика либосида "Отмагай тонг"ни айтиб сизни қаршиласа, Тоҳирни "Эй, қуёш" ашуласини айтишга ундаса, ширин сўзлар айтса, ишқ ўтида ёниб, қаҳрамонингиз Тоҳирга назар ташласа — шундай вазиятларда севиб қолмадингизми уларни?

— Қийин савол бердингиз. Юлдузхонни ҳамиша ҳурмат қилиб келганман. Лекин менинг Тоҳирим айтганидек, бир юракка икки муҳаббат сиғмайди. Мен Рукиябону исмли қизни танлаган, аҳду паймон қилиб қўйгандим, — деб жавоб бердилар.

Юлдузхоннинг ҳуснидан завқланганлар, ижрочилик маҳоратини қадрлаганлар орасида Ҳалима Носирова ҳам бўлган. Машҳур хонанда Наби Ғаниев ҳақида ҳикоя қилатуриб шундай деганди:

— Наби акани Юлдузхонсиз тасаввур этиб бўлмасди. Унга атаб рол ёзар, эпизодларни кенгайтирар, бу гўзал қиз билан машқ қиларди. Мен атайлаб "Тоҳир ва Зуҳра" суратга олинадиган жойларга борардим. Юлдуз — Зуҳрага тикилиб тураверардим. Бир гал кузатиб туришимни сезиб қолган Юлдузхон норози бўлгандек кўринди менга. Шунда мен очиғини айтдим: Юлдузхон мунча ёқимтой бўлмасангиз! Сизга қараб тўймайман. Фақат сизни ижроингизни кўришга келаман. Мен ҳам сиздек гўзал бўлганимда эди, Зуҳрани ўйнардим. Ҳавас қиламан сизга, дедим. Беҳад хурсанд бўлди. Ролини ҳам унутиб, ёнимга келди-да, менинг "Чоргоҳ"имни, Карменимни тилга олди. Ширин суҳбат бўлганди.



Юлдуз опа профессионал актриса бўлмагани, кейинчалик кўпроқ дубляж билан шуғулланганини билганим сабабли раққоса, балетмейстер Галия Измайлова ҳамда саҳна санъати устаси Яйра Абдуллаевадан у ҳақдаги фикрларини сўрадим.

— Юлдузхоннинг ўзи гўзал, қалби гўзал эди, — деди Яйра Абдуллаева. — Қаҳрамонлари ҳам шундай эди. Лекин ташқи кўриниш қанча ёқимли, чиройли бўлмасин, бир-икки дақиқадан кейин бу гўзаллик ортида нима борлиги барчани қизиқтиради. Ижрочи ҳаваскор ёки профессионал бўлмасин, ундан актёрлик маҳоратини, ранг-баранг психологик ҳолатга кира олиш қобилиятини намойиш қилиш талаб этилади. Юлдузхон буни уддасидан чиқарди. "Опа-сингил Раҳмоновалар" бадиий филмида Юлдузхон синглим ролини ўйнаган. Сора опам ва Юлдуз Ризаева иштирокидаги эпизодларни яқинда яна кўрдим. Улар орасида мен ҳам бўлганман. Пианинода Чайковскийнинг асарини чалиб ўтирганимда у хонага кириб келади ва менинг қаҳрамонимни юпатмоқчи бўлади. Шу бир эпизоддаёқ Юлдузхон икки-уч мураккаб ҳолатни кўрсата олган. Талант соҳибаси эди у. Шу билан бирга, унинг буюк устози бўлган. Наби ака Ғаниев шогирдига меҳр қўйган эди. Лекин Юлдузхон билан ҳисоблашар, маслаҳатлашиб иш кўрарди. Шогирдим, деб сийламасди. "Шоҳи сўзана"ни қўймоқчи бўлган Наби ака Ҳафиза ролига мени ва Юлдузхонни таклиф қилдилар. Актёрлар синовига борганимда Ҳафизани Юлдузхонга топшириб бўлганлар, деб ишонардим. Наби ака бундай хаёлларимни сездиларми, менга шундай дедилар: "Саҳнада ролларинг дуруст. Кинода ҳам яхши ўйнасанг, Ҳафиза сеники. Сийлаб рол бериш йўқ. Ким бўлишидан қатъий назар". Афсуслар бўлсинки, Наби ака ёш кетдилар. "Шоҳи сўзана"ни қўйиш насиб этмади. Юлдузхон ҳам рол ўйнамай қўйдилар.

Галия Измайловани "Фарғона қизи" филмининг мусиқа, рақс, ҳазил-мутойибага бой эпизодларида ўз санъатини намойиш этган Дилбар — Ю.Ризаева ўзига мафтун этди. Ўшанда дўстлашиб қолган Галия ва Юлдузнинг ҳамкорлиги самарали бўлди. Галияхоним дугонасини рақс, ритм, пантомима сирларидан воқиф этди. Юлдузхон руҳий ҳолатни ифода этишни, айтиладиган сўзга ташқи ҳаракат "жўр" бўлишини кўрсатди, "Опа-сингил Раҳмоновалар" филмида рақс тушди, хориждан келган мутахассисларни лол қолдирди.

Галияхоним бу дўстона муносабатлар ҳақида шундай деди:

— Юлдузхонга студияда Юля деб мурожаат этишарди. Эрка қиз эди-да. Томошабинларга у Зуҳра эди. Актриса сифатида таърифлайдиган бўлсам, у кадрда ёниб турарди, шижоатини, лирик кайфиятини томошабинларга етказа оларди. Унга мухлислари севги изҳор қилганларини кўрганман. Айтадилар-ку: эрта тонгда машҳур бўлиб уйғонди, деб. Юлдузхон шундай бахтли кунларни бошидан кечирган. Узоқ йиллар рол кутган ҳам.

Эҳтимол, шуниси ҳам тўғри бўлгандир. Чунки Юлдуз опага фарзандлари Шаҳноза, Рустам ва Ҳотамжонларни вояга етказиш, умр йўлдошлари Исо аканинг хизматида бўлиш учун ҳам вақт, соғлиқ керак эди. "Студия билан алоқани узмадим. Лекин қўрғоним — оилам, хонадоним мустаҳкам бўлишини кўзладим" дердилар. Талабалар билан бўлган суҳбатда бир қизимиз шундай савол берганди:

— Юлдуз опа, замон ўзгариб кетди. Сизнинг Зуҳрангиз бугунги шароитда ўзини қандай тутар эди?

— Севги кишига куч, илҳом беради, — дедилар Зуҳра опа, — севинг, севилинг! Ҳозирги Тоҳирлар, Зуҳроларни учратиб тураман. Уларнинг нигоҳидан бир-бирига бўлган муҳаббатни биламан. Менинг Зуҳрам ўшаларнинг хизматида бўларди. Гоҳ севишганларнинг совчиси, гоҳ тўйбоши бўларди.

Қувноқ кайфиятда айтилган бу сўзларда маъюс оҳанг ҳам бор эди. Чунки ўшанда 76 ёшли Зуҳрахоним касалга чалинган дамлар эди.

Кейинги учрашувимиз Анҳор бўйидаги чинор тагида бўлди. Юлдуз опа хазон билан қопланган сўлим боғ ичра аста одимлаб, сарвқомат чинорга ўйчан назар ташлар, бирор сўз айтмасалар ҳам ўзлари билан сўзлашаётгандек бўлардилар. Шунда куни-кеча фарзандларини йиғиб: "Бирор нарса бўлсам, отангиз, умр ҳамроҳим Исо аканинг ёнига қўйинглар" деганларини эсладим...

Озгина вақт ўтиб, Юлдуз опа айтган воқеа содир бўлди... Юлдузхон — Зуҳранинг сўнгги йўлида унга Тоҳир — Ғулом Тожиаълоев ҳамроҳ бўлди. Ҳассага таянган, кўз ёшини тия олмаган Тоҳирнинг Зуҳраси ўша куни кинодагидек "ёлғондака" эмас, чиндан ҳаётдан кўз юмган эди. Шоира Зулфиянинг сатрларини эсладим:

***Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,***
***Ҳеч кимда кўрмайин***
***умримга ўхшаш:***

***Суйдим,***
***Эркаландим,***
***Айрилдим,***
***Куйдим,***
***Иззат нима билдим,***
***Шу-да бир яшаш!..***

Яқинда яхши бир хушхабар эшитдим. Юлдуз опанинг ўғиллари Рустамжон ва Дилнозахон фарзанд кўришибди ва унга Юлдуз исмини беришибди. Жажжи бу қизалоқда эл ардоғидаги Юлдуз Ризаеванинг хушбичимлигини кўргандек бўлдим.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

# ХОРАЗМНИНГ ТОЗА ГУЛИ



Яхши раққоса эканидан бутун Хоразм хабардор бўлган вақтда 15 яшар Тозагул Урганч шаҳар маданият уйининг қатнашчиси эди. Ўшандан буён салкам 35 йил ўтибди. Гарчи тарих учун бу давр ниҳоятда қисқа бўлса-да, инсон умри учун анча муддатни ташкил этади. Зеро, Тозагул учун ўтган йиллар бесамар кетгани йўқ. У ёшликдан мусиқа ўқитувчиси Эркабой Жумагалдиевдан ўрганганларига амал қилди. Қолаверса, устозлари, Ўзбекистон халқ артисти Каримжон Раҳимов, Зоя Ғаффорова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ровияжон Отажоновадан санъат сирларини эринмай ўрганди.

Т.Ўрозбоева дастлаб Огаҳий номидаги вилоят драма ва комедия театрида раққосалик қилди, кейин актёр сифатида спектаклларда роллар ижро этди. Албатта, рол ижро этиш осон бўлгани йўқ. Актёрлик маҳоратини оширишда театрнинг бош режиссёри марҳум Ҳошим Исломов ва Ўзбекистон халқ артисти Ширин Рамазоновалар яқиндан ёрдам беришди. Ю.Юсупов ва С.Самандаровларнинг "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" спектаклида Оқча келин, Қ.Матризоевнинг "Маҳтумқули" драмасида Гулжаҳон, Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" пиесасида олибсотар образларини яратиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шу билан бирга театрнинг моҳир раққосаси сифатида рақслар ҳам ижро этди. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида сиртдан ўқиди.

Эътироф

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида республикамизда халқ оғзаки ижодиётини ривожлантириш мақсадида вилоятларда фолклор-этнографик ансамбллар ташкил этилганди. Бухорода "МоҳиСитора", Хоразмда "Оразибон", Сурхондарёда "Шалола", Самарқандда "Чавқи", Тошкент шаҳрида "Лазги" ансамбллари шулар жумласидандир. Ўша пайтда Хоразм вилоятида ташкил этилган "Оразибон" ансамблига Ўзбекистон халқ артисти Каримжон Раҳимов етакчилик қилди. Ансамблда Тозагул Ўрозбоева билан бирга вилоятнинг машҳур артистлари Ровияжон Отажонова, Розия Муродова, Олия Отамуродова, Сара Худойберганова, Бибиҳожар Ортиқова, Надя Каримова сингари кўплаб санъаткорлар фаолият кўрсатишди.

Тозагул лапар айтганида кўз олдингизда фақат Хоразм лапарчилиги жонланибгина қолмасдан, балки унинг дилга ором берувчи қўшиғидан тош юраклар ҳам эриб кетиб, қалблар эзгу ҳистуйғуларга ғарқ бўлади. Санъаткор халқнинг қалбига кириб бориб, унга маърифат ва маънавият нурини тақдим этмоғи лозим. Тозагул буни ўзининг "Болага дейма жоним", "Ахтараман", "Ўзи билса билсин, ўзга билмасин", "Дўстлар айб айламанг" сингари ўнлаб лапар қўшиқлари ва "Лапарчилар чапари" номли видеофилмлари орқали исботлади.

Т.Ўрозбоева "Оразибон"га раҳбарлик қилиш билан бирга, 1984 йили Хонқа тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги қошида ташкил этилган "Сарапоён гуллари" халқ дастасини қайтадан ташкил этди. Нафақат қишлоқдаги, балки тумандаги кўплаб умидли ёш истеъдодларни ҳам бу ерга жалб қилиб, уларнинг етук санъаткор бўлиб етишишларига имконият ва шароит яратиб берди. Бир сўз билан айтганда, меҳрибон ва ғамхўр устоз сифатида уларни қўллаб-қувватлади. Ана шу ансамблдан етишиб чиққан опа-сингил Онажон ва Ойгул Йўлдошева, Дилдора Рўзметова, Реймажон Рўзметова, Қутлимурод Кўчаков, Гулбаҳор Абожонова сингари ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам вилоятда устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириб, санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хоразм санъаткорларига кўп йиллар раҳнамолик қилган муҳтарама онахонимиз Пошшахоним Бобожонова шогирди ҳақида шундай деди:

— Тозагул туғма санъаткор, унинг бобоси хон даврида уста масхарабоз бўлган. Хива хони Феруз шоҳ Хоразмда "Наврўз" байрами сайли ўтказиб, сайилга бутун Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркманистон республикаларидаги бахши-хонандалар, дорбозлар, масхарабозлар, полвонларни чорлаб, катта давра ташкил этган экан.

Шу куни даврага Тозагулнинг бобоси ҳам чиққан. Унинг санъати хонга жуда маъқул бўлган. Кейинчалик Ферузхон менинг олдимда ўйнаган масхарабозни олиб келинглар, деган. Хоннинг одамлари гурланлик бу масхарабозни унинг олдига келтиришибди. Хон зўр илтифот кўрсатиб, унга чопон кийгизибди ва совғасаломлар берибди. Тозагул ана шу "муррик" лақабли, эл суйган, ҳурмат қилган санъаткорнинг авлод-аждодидан.

Менинг бирдан-бир орзуим шуки, "Оразибон"ни халққа машҳур этишда кўп саъй-ҳаракатлар қилган Тозагул бугун ўз фаолиятини тўхтатиб турган ушбу фолклор ансамблини яна қайтадан ташкил қилиб, халқ қўшиқлари ва лапарларини халқимизга тақдим этса...

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубова билан бирга Хоразм халқ қизлари жамоасининг довруғини республикамиздан ташқарида ҳам ёйишда жонкуярлик қилиб келаётган Т.Ўрозбоева бугун қизғин ижод билан банд. Мустақиллигимизнинг 15 йиллик танталаларида Хоразм қўшиқ ва рақс санъатини жўшқин намойиш этган санъаткорлар меҳнати эл-юрт назарига тушиб, юқори баҳо олди.

Тозагулнинг ҳаётда йўқотганидан топгани, муваффақиятсизлик ва омадсизликдан омад-ғалабага эришган қувончли дамлари кўп бўлди. У буларнинг барига ҳалол ва фидойи меҳнатлари билан эришди. Энг муҳими, оддий раққосаликдан раҳбарликкача йўл босиб келган Т.Ўрозбоева ҳамиша санъаткорлик обрўсини, шаънини устун қўйди. Фарзандлари ҳам бугун онаси сингари эл-юртга астойдил хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Она учун, халқ санъаткори учун бундан ҳам улкан бахт борми!

**Шарқия ЭШЖОНОВА**

Маданий ҳаёт

Куни кеча Халқаро маданият карвонсаройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", UNESCO нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Бадиий академия ва Карвонсарой ҳамкорлигида "Буюк Ипак Йўли. Маданият ва анъаналар. Ўтмиш ва Бугун" мавзуида назарий-илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманнинг асосий мақсади Буюк Ипак йўлининг қайта тикланишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб этишдир. Зеро, бу улуғ йўлнинг тикланиши минтақа давлатларининг бугунги дунё иқтисодиётига интеграциялашуви ва глобализация даврида, жумладан, сайёҳлик соҳасини, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Анжуманда сўзга чиққанлар жаҳонга машҳур қадимий савдо йўлининг энг қисқа ва қулай маршрутлари Ўрта Осиё маркази — Ўзбекистондан ўтиб, айнан унинг ҳудудида барча йўллар туташганининг амалий аҳамиятини таъкидладилар.

* * *

*Сурхондарё вилоят қўғирчоқ театрида янги мавсум очилиши муносабати билан А.Эшмирзаев, Т.Қобилов сценарийлари асосида саҳналаштирилган "Бахт излаган шаҳзода" спектаклининг премераси бўлиб ўтди. Премера Термиз шаҳар умумтаълим мактаблар ўқувчиларига намойиш этилди.*

* * *

*М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоаси Музработ тумани фермер хўжаликларида пахта тераётган Денов педагогика коллежи талабаларига концерт дастурларини намойиш этди. Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси эса пахта йиғим-теримида иштирок этаётган Термиз тиббиёт коллежи талабаларига маданий хизмат кўрсатди.*

**М.КАРИМОВА**



# ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ



Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида ёш мусаввира Дилором Мамедованинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу Диломромнинг учинчи кўргазмаси бўлиб, унда 150 дан ортиқ графика ва рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазма аввалгиларини такрорламайди. Асарлар орасида янги композициялар, кўзни толиқтирмайдиган ранглар, графикада ишланган ўзига хос манзараларни кўрасиз.

Дилором мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, Хива, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Бурчмулла, Чорвоқ манзаралари ҳақида асарлар яратди. Айниқса, Чорвоқ ва Бурчмулла манзаралари табиийлиги, ранглар мутаносиблиги билан томошабинни ҳайратга солади.

Мусаввира ўз устида ишлайди, изланади. Унинг қисқа муддатда ўтказган учта кўргазмаси ана шу ижодий меҳнат самарасидир. Биз машаққатли ижод йўлида Дилоромга омад тилаб, рангтасвир оламида янги мўъжизалар яратишини кутиб қоламиз.

**САРВАРА**

Кўргазма залларида



Журналларни варақлаганда...

**«ТЕАТР» 2006, 4**




Журналнинг ушбу сони ижодкор зиёлиларнинг Қорақалпоғистонда бўлишига доир ранг-баранг фотосуратлар билан очилади. Президентимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига биноан Ўзбек Миллий академик театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Қорақалпоғистонда бўлиб, театр ихлосмандлари, турли касб эгалари билан қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар. Журналда Ўзбекистон халқ артистлари Муҳаммадали Абдуқундузов, Эркин Комилов, хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов ҳамда актриса Феруза Бобоёроваларнинг сафар таассуротлари эълон қилинган.

Санъатшунослик доктори Сарвиноз Қодированинг "Ўзбек саҳнасида ғарб классикаси", Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали театри адабий-бадиий бўлими мудири Лутфиддин Ғаффоровнинг "Мўътабар даргоҳ", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Умарали Норматовнинг "Қодирий мўъжизаси", профессор Собир Мирвалиевнинг "Адиб драматургияси" сарлавҳали мақолалари театр ихлосмандларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Журнал саҳифаларидан, шунингдек, Эркин Усмоновнинг таниқли телережиссёр Маҳкам Муҳамедов билан қилган суҳбати, атоқли санъаткорлар Охунжон қизиқ, Шукур Бурҳон ва Саодат Қобулова ижодига доир мақолалар, истеъдодли актёр Эркин Комилов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган қутлов ва бошқа ранг-баранг мақолалар ҳам ўрин олган.

Рассом устахонасида

# СОМОНЛИ ЛОЙ ФАЛСАФАСИ



Файзулла Аҳмадалиев Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида туғилиб ўсди. Ёшлигидан сурат чизишга жуда қизиқарди. Унинг орзуси пойтахтга келиб шу соҳада ўқиш эди.

Оиладаги шароит, орада ҳарбий хизмат ва бошқа сабаблар туфайли Файзулла ўрта мактабни тугатиб Тошкентга, ўзи севган ўқишга келолмади. Бироқ Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институти қошида очилган икки йиллик тайёрлов бўлимида ўқишни давом эттирди. Бу ерда таниқли рассомлар Н.Шин, М.Йўлдошев, Д.Имомов, Р.Ризамуҳаммедовлардан сабоқ олди.

Файзулла тайёрлов курсининг биринчи бўлимини тугатиб, институтга имтиҳонсиз қабул қилинди. Таниқли рассомлар Н.Қўзибоев, М.Саидов, Т.Оганесов, В.М.Ковинин ва М.Нуриддиновлардан тасвирий санъатнинг сиру асрорларини чуқур ўрганиб, "Дала шийпонида" мавзуида диплом иши ёқлади. Ўз устида тинимсиз изланган Файзулланинг ижодий меҳнатлари самара бера бошлади. У дастлабки ишлариданоқ, миллий ранг-барангликни яхши ҳис этиб, тасвирий санъатни бутун вужуди билан севувчи рассом эканлигини исботлади. Ўша даврларда яратган "Сайрам соялари", "Косонсой манзараси", "Фарғонада тонг отди", "Армон қуши", "Баҳор", "Мусиқа овози" каби кўплаб асарларида шоирона руҳ, беғубор самимият ва ҳаётий таассуротлар уйғунлашиб, қалб кечинмалари ўз ифодасини топган. "Сайрам соялари" асари муаллифнинг она юртига бўлган муҳаббати ифодаси бўлса, "Фарғонада тонг отди" ҳаётнинг ёруғ ва соялардан иборатлигидан, авлоду аждодлар фалсафасидан ҳикоя қилади.

Рассомликда тафаккур ва тасаввур уйғунлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Тасаввурни бойитиш учун эса, кўп ўқиш, изланиш ва кузатиш лозим. Ф.Аҳмадалиевнинг суратларидаги сирлилик, ўзига хос жозиба, шарқона руҳ томошабинни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Унинг асарлари Давлат санъат музейи, Миллий банкка қарашли санъат галереяси, кўргазмалар дирекцияси ва шахсий коллекциялардан ташқари, хорижий музейлару шахсий жамғармалардан ҳам ўрин олган.

2000-йилларда "Илҳом" театрстудиясининг фойесида Файзулланинг "Дарвешнинг юраги" деб номланган шахсий кўргазмаси намойиш этилди. "Дарвешнинг юраги"да табиий тупроқдан ерга спиралсимон шакллар пайдо қилинган бўлиб, чизиқлар орасида Хожа Аҳмад Яссавий бобомизнинг ғазаллари битилган. Композиция ўртасида кўкрагининг чап томонидан зиё таралаётган дарвеш турибди. Чап томонда бир хил шакл ва рангдаги 14 пиёланинг етти донасида бир томондан тўлдирилган шароб камайиб борса, қолган еттитасида биринчисидан бошлаб тупроқ тўлиб бораверган. Мазкур асарга диққат билан боқсангиз, Яссавий бобомизнинг "оби гил" (сув ва тупроқ) фалсафаси ёдга тушади. Ушбу фалсафа бўйича ер юзидаги ҳар бир жонли мавжудот сув ва тупроқнинг уйғунлигидан яралиб, яна тупроққа айланиб кетиши ўз ифодасини топган.

Кўргазмага қўйилган рангтасвир асарларида мойбўёқ ўрнида сомонли лой ишлатилгани томошабинлар учун кутилмаган янгилик эди. Бу, биринчидан, санъатдаги эркинлик натижаси бўлса, иккинчидан, рассом фикрлаш доираси кенглигининг ифодасидир. Сомонли лойдан ишлаган ишлари орасида "Хиваликлар", "Хивада шундай уй бор", "Синчлар", "Кунлардан бир кун Бухорода", "Маҳалладошлар" каби асарлар бор. Унинг "Маҳалладошлар" асари 2003 йили эълон қилинган "Маҳалла йили" кўрик-танловида Гран-при мукофотига сазовор бўлди.

Файзулла ижодининг бошларидаги кўк, мовий ранглардан ташкил топган асарларни унинг ижод оламида ўзлигини излаш йўлидаги биринчи босқич, Шарқ осори атиқалари ва шарқона фалсафа мавзуидаги ижодий ишлари эса иккинчи босқич десак, муболаға бўлмас.

Тошкентда ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтадиган "Тошкент-Биеннале" халқаро кўргазмасида Файзулланинг инсталяция йўналишида яратган "Сардоба — Умар Ҳайём юлдузлари" асари мутахассисларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Мутлақо шарқона руҳдаги ушбу лойиҳада барча унсурлар рамзий ва шартли бўлиб, унда инсон умрининг нақадар қисқалиги ва муаллиф хотирасида ўчмас из қолдирган инсонлар хотираси ўзига хос шаклу шамойилларда ифодаланган. Аслини олганда, сардоба қадимда сувсиз жойларда, карвон ўтадиган йўл ёқаларида гумбаз шаклида қурилган ва кириб-чиқадиган эшиги бўлиб, ўртада сув йиғилиб турган. Сардоба суви келиб-кетувчилар учун оби ҳаёт вазифасини ўтаган. Кимдир бу ҳаётга келиб тириклик булоғидан тўйиб-тўйиб ичиб кетса, яна кимдир бир-икки ҳўплам ичади, бошқа биров бу лаззатдан мутлақо маҳрум. Ушбу асарга боқиб туриб ҳар кимга ҳар хил қисмату ҳар кимга ўзига яраша насиба, деган оддий ва ҳаётий ҳақиқатни англайсиз.

**Бобониёз ҚУРБОН**

Саид АНВАР

# УЙ ЁНДИ, ҲАНГОМА ҚОЛДИ

**Муҳиддин қизиқ фақат бир марта айтган, аммо икки киши эшитган ҳангома**

Муҳиддин қизиқнинг уйига ўт тушибди, деб эшитдик. Борсак, ҳақиқатан ҳам уйлари ёниб кулга айланибди.

Муҳиддин акани култепалар орасида сигарет чекиб юрган ҳолда учратдик.

— Ие, бормисизлар! — деди қизиқ сигаретини бир четга отиб, очиқ чеҳра билан биз томон юраркан. — Э-э-э! Кеча келмадиларинг-да, роса томошани кўрардиларинг! Янги ҳовли олгандик. Шуни кутиб тургандай набиралик ҳам бўлдик. "Қуллуқ бўсин, муборак бўсин! Қўшалоқ байрам бўлиб кетибди, табриклаймиз!" дейишиб, бақдан қўни-қўшнилар чиқди, ақдан қудалар келди, ошна-оғайнилар йиғилди — тўйга айланиб кетди. Уйда одам, айвонда одам, ҳовлида одам, ҳаммаёқ одам! Вей, радиода эълон қилиб ҳам бунча одамни тўплаб бўлмайди.

Қайси бир барака топкур айтиб қўйган экан, маданиятдагилар ёппасига келишди. Эшитадиганлардан ашула айтадиганлар кўп-ей! Биттаси қўшиқ эшитаман, деб қулоғини динг қилса, саккизтаси унга қараб ашула айтяпти!

Бир вақт қарасам, қўшиқчилар келиб эшитаётганларнинг пешонасига пул қистириб кетяпти:

— Барака топинг! Қулоғингизга Худо сабр берсин! — деб.

Эртаматан соат саккизда бошланган "тўй" кечаси соат ўнда тугаса-я! Битта чақалоқни "ювиш" маросими яқин ўн беш соат давом этса-я! Шундаям одамларни тўйдириб бўлмади-вей! Тонг қоронғусида келволиб, ярим кечагача хўп тортган, умримда кўрмаган "қадрдон"ларим "Эрталабгача давом эттирамиз, тўй — тўйдек бўлсин!" деб туриб олишди.

Бола-чақаларга:

— Дераза-эшикларни ёп! Дарвозани тамбала! Булардан ё қочиб қутиласан, ё ўлиб! Ҳамманг машина чиқ! — дедим.

Қочиб қутилдик-да!

Оққўрғонга шундай етиб келиб, бир пиёла чой хўплаб, "Худога шукур!" деб турсак, Янгиқўрғондан биттаси ҳовлиқиб келди.

— Муҳиддин ака, уйингиз куйди, уйингиз куйди! — дейди ўзини босолмай.

— Э, сенга хабар кечроқ келибди, уйим эрталабдан буён ёниб ётибди! — дедим бепарво.

— Э, ака, унақа эмас, ўт-олов тушди уйингизга! Аламазак бўлиб ёняпти уйингиз! — дейди азза-базза.

— Эрталабдан кечгачагиси каммиди? — деб Янгиқўрғонга келсак, вей, уйимиз ёняпти!

Шунақаям аламазак бўлиб ёняптики, бир чақиримдан кўринади-вей!

Бизнинг уйдан чиққан алангадан бутун Янгиқўрғон ёришиб кетибди!

Одамларни айтинг, уйимиз атрофига кўчиб чиқишган ҳаммаси. Бир-бирига гап маъқуллаб ётишибди:

— Ў-ў-ў! Айвоннинг ёнишини қара, айвоннинг! Ёғочлари қуриб-қақшаб роса ёнадиган бўлиб турган экан-да ўзиям!

— Э, булар российский ёғочларда, елими бор, шунга зўр ёнади!

— Ҳозир том қулаб тушса керак!

— Қулаб, қўшниникига тушса, томошанинг каттасини ана унда кўрасан!

Бир хотин бешикдаги боласини кўтариб чиқибди.

— Алангани кўр, Оловиддин, алангани! Яхшилаб кўрвол, катта бўлганингда гапириб юрасан! — деяпти боласига.

Юролмайдиган битта кампирни иккита ўғли аравачада олиб келишибди.

— Катта ёнғинларни кўрмай ўтиб кетаманми, дегандим, беадад шукур, шунисига ҳам етказди! — деб юзига фотиҳа тортиб ётибди кампиршо.

Ҳаммаёқ одам, аммо бирортаси оловга бир пақир сув сепай демайди!

Тўғри-да, шундай катта томошани бузиб бир ками сув сепиб юришсинми?!

Беш мингтача одам маза қилиб томошани кўриб тургандик, чинқириб ўт ўчирадиган машиналар келиб қолди!

— Шундай гўзал томошанинг белига тепишди! — деб турсам, уч-тўрттаси машинадан шошиб тушди. Одамларни туртиб-суртиб олдинга ўтишди.

— Ановини қара-я! Мана буни ёнғин деса бўлади! — деди биттаси, оловни томоша қиларкан. Барака топкурлар умрларида ёнғинни кўришмаган шекилли, шошилинчда сув олиб келиш эсларидан чиқиб қолибди!

— Ташвиш қилаверманг, — деди бошлиғи. — Учкўприк, Бағдод, Данғара туманларининг пожарний командаларига хабар бердик, ажабмас сув билан келиб қолишса! Уларам қуруқ келса, Наманган ё Андижонгага қўнғироқ қиламиз!

Қиёмат томоша бўлди-да ўзиям!

— Ҳа, ёмон бўлибди, ёнмаган ҳеч нарса қолмабди! — дедик.

— Ие, нимага ҳеч нарса қолмас экан? — Муҳиддин ака қўллари билан пўписа қилди. — Одамларга бир умр эсларидан чиқмайдиган воқеа қолди! Муҳиддин аканинг уйи ёнганда палон бўлганди, пистон бўлганди, дейишиб ҳали буни неча йиллар гапириб юришади-ю! Бола-чақаларига ҳам айтиб беришса, тарих бўлиб турибман-у.

Муҳиддин ака ҳовлининг ўнг томонида ёнғиндан омон қолган кичкинагина ошхона томонга ишора қилди:

— Кетдик, бундай тарихий воқеани ювмаса бўлмайди!



Ҳажвия

# ОРҚАДАГИ ОДАМ

— Кеча шундай маза қилдим, оҳ-оҳ-оҳ!

Соат олти бўлиб — иш вақти тугашини кутиб ўтирган Қулматжон ака Жасурнинг гапларини эшитиб, ўқиётган журналини тарсиллатиб столга ташлади. Бугун эшитаётган бўлса экан бу гапларни. Худонинг берган куни шу гап.

Жасуржон деганлари ўзи яхши бола. Битта айби, тез-тез «дом»ларга бориб туради. У ерда бўлган «иш»ларни оғиз кўпиртириб мақтайверса, фаришта ҳам йўлдан озар экан.

— Мақтайвермасдан, мениям обориб, бир кўрай! — деб юборди Қулматжон ака бир гал.

— Сиз... борасизми? Сиз-а? — Жасур ажабланганини яширмади. — Унақа ерларга... эркаклар боради.

Қулматжон аканинг жони ҳалқумига келди.

— Бизам эркак! — деди столга жиддий муштлаб.

— Пакет қилиш қўлингиздан келадими? — Жасур қувлик билан сўради.

— Қанақа пакет?

— Битта қоғоз халтани оласиз, икки кило гўшт, бир жуфт коньяк, бошқа майда-чуйдаларни соласиз, бўлди — шу.

— Ўша пакетингниям қиламан! — деди Қулматжон ака кескин.

— Бўлмаса сиз пакетни тайёрлаб, хонангизда кутиб туринг, икки соатдан кейин борамиз.

— Вей, ука, элликка боряпман, пакет кўтариб юрсам бўлмас... Пулини берай...

— Йўқ, расми шунақа. Борадиган одамнинг ўзи қилиш керак. Бўпти ҳали учрашамиз.

Гўшт масаласи осонгина ҳал бўлди. Таниш қассоб Қулматжонга икки кило гўштни тортиб, ўраб берди. Сотувчи қиз конякка қўшиб ширинлик ҳам олиш кераклигини эслатди. Бозор битди, аммо пакет унга бомбадай кўрина бошлади. Сейфга сиғмади. Стол остига яширди.

Жасурдан бўлса дарак йўқ!

Бу орада қоронғи тушди. Хонанинг чироғини ёқса, «Кечқурун нима қилиб ўтирибсиз?» дейдиганлар чиқиб қолади, ёқмай деса, Жасур «Кетворибсиз», деб ўзи сурвориши мумкин! Уфф! Қайдан ҳам шу икки оғиз сўзни айтди-я!

Кўнгли ғаш бўлиб турганида Жасурнинг овози эшитилди.

— Нимага чироқни ёқмай ўтирибсиз? Кетдикми?

— Ановини, ановини... — Қулматжон ака қўрқа-писа стол остига имлади. — Сен олволгин.

Олдинма-кетин йўлга тушишди. Қулматжон акага нима бўлди, ўзиям ҳайрон: текис йўлдаям туртиниб юраяпти. Жасуржон бир жойда тўхтаганди, ўзини унга уриб олди. Қандайдир кўп қаватли уйнинг олдига келишди.

— Пакетни ушлаб туринг, мен кириб, билиб чиқаман, уйида борми-йўқми, кейин сиз кирасиз, — деди Жасур ва ичкарига кириб кетди.

Қулматжон ака бироз кутиб турди. Юрагига ғулғула тушди. Орқада кимдир, томоқ қиргандай бўлди. Қарашга ботинолмай дуч келган томонга юра бошлади. Орқадаги одам ҳам изма-из келаверди. Биринчи «дом» ортда қолди. Иккинчиси ҳам... Орқадаги одам бостириб келарди.

— Ким бўлди экан? Бир қараб кўрсинми? Секинроқ юрса, ўтиб кетармикан? Ўтиб кетаётиб юзига қараб, «Қулматжон ака, пакет кўтариб олиб бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?» деб қолса-чи!

Учинчи, тўртинчи дом ҳам тугаб, дала бошланди. Аммо орқадаги одам ортидан қолмай келяпти. Таваккал деб қоронғуга ўтиб тўхтади.

"Амаки!" деган товушни эшитиб, бир қалқиб тушди. Сал ўзига келгач, олдида етти-саккиз ёшлардаги бола турганини илғади.

— Жасур амаким билан келган одам сизми?

— Ҳа-ҳа-ҳа! — деди сал ўзига келиб.

— Пакетни бераркансиз?

— Пакетни? Мана, мана, — деди шошиб ва уни боланинг қўлига тутқазди.

— Амаки, — деди бола пакетни маҳкам қучоқлар экан.

— Ҳа?

— Жасур амаким айтди, кетаверарк ансиз!

## Дунё—кенг...



### "ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ"

***Кейинги йилларда олимлар инсоннинг иммунитетига асабийлик, жазавага тушишлар жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатишини кўплаб илмий далиллар билан исботлашмоқда.***

Италиялик психологлар ҳатто "оғир душанба" синдроми, деган тушунчани ҳам илмий муомалага киритишди. Уларнинг таъкидича, душанба кўпчилик учун ишга фаол киришишда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Яқинда Италияда меҳнат қобилиятининг пасайишига олиб келадиган "руҳий тушкунлик"ни, "кайфият йўқлиги"ни бартараф этишда омил бўладиган тавсияларни ишлаб чиқишга бағишланган миллий анжуман ўтказилди. Мутахассислар йиғилганларга иш жойида ҳар қандай нохуш ҳолатлар, асабийликлардан сақланишнинг йўл-йўриқларини, яъни "хавфсизлик қоидалари"ни тавсия этишди. Улар, биринчи галда, ҳар бир ходим иш жойига худди ўзининг уйида қарагандай эътибор билан муносабатда бўлиш зарурлигини уқтиришди. Ходимнинг иш жойи саранжом-саришта, қулай бўлиши даркор. Албатта, деворда унга завқ берадиган манзара тасвирланган картина, яхши кўрадиган кишисининг фотосурати илинган бўлиши лозим. Шунингдек, столида бирор-бир қизил рангли предмет туриши керакки, унга қараганида ходим қувватланади.

Италиялик психологлар ҳар бир ходим иш жойида чоғроқ "бўш майдон" қолдириши — шу жойда "бир неча дақиқа ором олиш имкони" бўлиши лозимлигини ҳам тавсия этишади. Ҳафтада иккиуч марта ҳамкасблардан холи, ёлғиз тушлик қилиш ҳам асабларга имкон қадар дам бераркан. Танафус пайтида қисқа муддат ёлғиз сайр қилиш руҳан сокинлик, хотиржамликка омил бўлади, дейишади мутахассислар.

Иш жойида соатлаб ҳаракатсиз ўтирмаслик, ўз иши билан алоқадор воқеаларни эслаб ҳазил қилиш ёки электрон почта орқали кулгили номалар йўллаш асаб толиқишларининг олдини оладиган ғоят самарали воситалардир. Иш жойидаги, хонадаги қувноқ кайфият асабийликка қарши энг кучли "дори". Шунингдек, ишда қулай кийим-кечакда, пойафзалда бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда ноқулай кийимда бўлиш ҳафсаласизлик ва тез чарчаб қолишга сабаб бўлади.

Италиялик психологлар тавсия этган яна бир муҳим маслаҳатга кўра, имкон борича иш жойидаги, идорадаги иш куни давомида йиғилган муаммоларни ўша жойнинг ўзида "қолдириш" лозим.

### МИЛЛИОНЕРЛАР РЎЙХАТДАН ТУШИБ ҚОЛДИ

***Forbes журнали бой-бадавлат америкаликлардан тўрт юзтасининг рўйхатини эълон қилди. 2006 йилнинг бойваччалари орасида миллионерларга жой топилмади — бу рейтингнинг бутун тарихида биринчи марта рўйхатда 1 миллиард доллардан кам бўлмаган мол-мулк эгалари исм-шарифлари қайд этилди.***

Тўрт юз нафар энг бой кишининг 2006 йилги жами маблағи 1,25 триллион долларни ташкил этди. Бу 2005 йилдагидан 120 миллион кўп.

Рўйхатнинг бошида ҳали ҳам Microsoft асосчиси Билл Гейтс турибди. Forbesнинг маълумотига кўра, энг бадавлат бу америкаликнинг бойлиги 53 миллиард долларга баҳоланган. Гейтс ўз бойлигини 2005 йилдагига қараганда 2 миллиардга оширган. Иккинчи ўринни банд этган инвестиция магнати Уоррен Баффет 46 миллиард долларга эга. Ўтган йил у маблағини 6 миллиард долларга кўпайтирган.

Учинчи ўринда кетаётган 73 ёшли Шелдон Аделсон Лас-Веласдаги қиморхона ва меҳмонхоналар хўжайини. Унинг бойлиги 20,5 миллиард долларга тенг. 2005 йили у 11,5 миллиард доллар билан атиги ўн бешинчи ўринда эди. Тўртинчи поғонада Oracle хўжайини Лауренс Жозеф Эллисон турибди. Унинг мол-мулки 19,5 миллиард долларни ташкил этади. У ўтган йили 2,5 миллиард доллар фойда кўрган.

Энг бой бешта америкалик рўйхатининг сўнгги қаторини Билл Гейтснинг ҳамкори Пол Аллен банд этган. Microsoft асосчиларидан бири бўлмиш Пол Аллен 2006 йили 16 миллиард доллар ишлаган бўлса-да, 22,5 миллиард доллар бойлиги билан учинчи ўриндан бешинчи поғонага тушган.

Герберт КЕМОКЛИДЗЕ

# ЯНГИ ТАРТИБ

*Троллейбус бошқармасининг бошлиғи мени ишга қабул қилар экан, деди:*

*— Бизда тартиб шунақа: гап пулда эмас. Сиз ҳайдовчи сифатида одамларни ташиётганлигингизни ҳамма вақт ёдда тутишингиз керак. Улар сизнинг троллейбусингиздан тирик, соғлом, айни пайтда нима биландир бойиган ҳолда тушишлари керак.*

*Ишга киришишдан аввал бутун тун бўйи шаҳар тарихини ўқиб чиқдим, диққатга сазовор жойлар ҳақида ёзилганларни ўргандим ва биринчи кунданоқ микрофон орқали билимларимни йўловчилар билан ўртоқлаша бошладим.*

*Бир ой ўтгач бошлиқ мени ҳузурига чақиртирди ва деди:*

*— Устингиздан шикоятлар туша бошлади. Йўловчилар ҳар куни бир нарсани такрорлаётганингиздан норози бўлишяпти. Бундан ташқари, битта тарихчи профессор, сизнинг гапларингиздаги ноаниқликлар ҳақида бутун бошли рўйхат юборди. Ахборотларингизни янада ранг-баранг қилиш керак. Диққатга сазовор жойлардан бошқа мавзулар ҳам бор-ку.*

*Кейинги куни мен йўловчиларга шеърлар ўқиб бердим, мода янгиликлари ҳақида ҳикоя қилдим, эски диванга янги қоплама тортиш бўйича маслаҳатлар бердим. Ҳамма жуда диққат билан эшитди.*

*Бу мени руҳлантирди. Репертуаримни ҳар куни янгилаб бордим. Хотиним билан қандай танишганим ҳақидаги ҳикоя йўловчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Троллейбус бошқармасига хатлар кела бошлади. Одамлар оиламизга, аҳил-иноқлигимизга қизиқа бошлашди. Суратим "Ҳурмат тахтаси"дан ўрин олди. Лекин ҳамма нарсанинг чегараси бўлади. Мен йўловчиларимга билганларимдан кўра кўп ҳикоя қилиб юборганимни ҳис қилдим. Йўловчилар ҳам буни билиб қолишди. Тез орада бошлиқ ҳузурига чақиртирди.*

*— Сизга нима бўлди ўзи, — деди у таъна билан, — илғорлар сафида юрган эдингиз, яна шикоятлар бошланди. Ўтган куни шеърлар муаллифларини чалкаштириб юборибсиз, кеча эса қуюшқонга сиғмайдиган латифа айтибсиз. Яхши эмас.*

*— Материал етишмаяпти, — ўзимни оқладим мен, — шундоқ ҳам бутун бўш вақтимда шеърлар ёдлайман, журналлар ўқийман. Хотиним ажрашишга ариза бераман деб қўрқитяпти.*

*— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб қолади, — мени тинчлантирди у, — сиз ҳаракат қилинг, янгилик ўйлаб топинг.*

*Мен туни билан ўйланиб чиқдим, эрталаб ярқ этиб калламга янги фикр келди. Иш олдидан кутубхонага чопдим, энг ўқишли романни олдим, уни рул чамбарагига маҳкамладим, паркдан чиқибоқ овоз чиқариб ўқиб бошладим. Мен ҳис-туйғулар билан, ҳар хил овозларда, маънодор узилишлар қилиб тўппончанинг варанглаши, илоннинг вишиллаши, қурбонларнинг қўрқинчли қийқириқларини образли ифодалаб ўқидим. Роман ўзига тортарди. Шу тариқа мен иш кунининг қандай тугаганини ҳам билмай қолдим. Бошқармага қайтгач, йўловчилар бирорта ҳам чипта йиртмаганликларини билиб қолдим. Асабийлашиб бошлиқнинг хонасига кирдим.*

*— Қаранг-а! — қичқирдим мен чипта ўралган ғалтакни айлантириб. — Йўловчилар менинг ўқишимга шунчалик берилиб кетишибди-ки, ҳеч ким чипта олмай — ҳаммаси қуён бўлиб қолишибди.*

*— Э-ҳа, охири келдингми, азизим, — силлиққина деди бошлиқ. — Телефон қўнғироқлари қулоқни қоматга келтирди-ку! Нега сен бутун кун давомида эшикларни очмай, бўш юрдинг? Бизда бунақа келишув йўқ эди-ку. Бўлди энди, етади. Эртадан бошлаб янги — камроқ гап, кўпроқ иш тартибига ўтамиз.*

***Русчадан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси***

«ШЧ» маслаҳатхонаси

# АГАРКИ, ҚЎШНИНГИЗ...

* * *

**Агарки,** ён қўшнингиз радио ёки телевизорини варанглатиб, уйқу бермаса, эрта азонда эшигини оҳиста тақиллатиб, бепул концерт учун чин дилдан раҳмат айтиб қўйишни унутманг. "Бугун ишдан барвақтроқ қайтаман, иложи бўлса, овозини янада баландроқ қилиб қўйсангиз яхши бўларди-да, қулоқ сабил сал оғирроқ", деб қўйишни ҳам унутманг.

* * *

**Агарки,** сиздан бир қават юқорида турадиган қўшнингиз пастга сув оқизиб, шунча сарф қилиб таъмирлаган уйингизнинг расвосини чиқарса, эртасидан кечиктирмай уларни, яна иккита қўшнингизни таъмир ишлари тугаганлиги муносабати билан зиёфатга чақиринг. Юқори қўшнингизнинг елкасига зарбоф тўн ташланг. Хотинингиз минғирлашни бошласа, оғзини бир амаллаб юмиб турасиз.

* * *

**Агарки,** қўшнингизнинг зоти паст кучукчаси тинимсиз акиллайверса, тушликда қовурилган жўжа тановул қилинг-да (Янгийўлники бўлса янада яхши), суякларини олиб келиб олдига ташланг. Еган оғиз уялар деганларидек, бир зум бўлса-да овози ўчади. Бордию чўнтагингиз кўтарса, бутун жамоага жўжа кабоб олиб беринг — шунча суякни ейман, деб бўкиб ўлиши ҳеч гап эмас.

* * *

**Агарки,** қўшнингиз балконида товуқ боқса, сиз худди шу жойда тулки бола асранг. Нима бўлишини кейин билиб оласиз.

* * *

**Агарки,** қўшнингиз почта қутисидан сиз обуна бўлган адабиёт газетасини олиб, сиздан олдин ўқишга тушса, безбетлик қилиб, қайтариб бермаса, кейинги йили бир эмас, икки-уч нусхага обуна бўлинг, учаласини бирваракайига ўқийман, деб кўзлари тешилиб кетсин.

Турсунбой АДАШБОЕВ

# ҲИММАТ

**Ҳар гал борсам қишлоққа**
**Қалбим кетар тозариб,**
**Қофиялар чақмоқдай**
**Эркин қанот ёзади.**
**Чойга чорлар тоғамлар**
**Жавдар нонни ушатиб,**
**Кўзим кийик шохидаги**
**Қамчи софга тушади.**
**Тоғамнинг айтар сўзи**
**Аниқ руҳ — сиёғидан,**
**— Ажабо, қамчи даста**
**Кийикнинг туёғидан?!.**
**— Саночсойда бир чол бор,**
**Асли исми Норбобо.**
**Ҳайитбой, — дер эл уни,**
**Соч-соқоли қорбобо.**
**Ориятли, покдомон,**
**Канда қилмас рўзани.**
**Нўйғутлар уруғидан,**
**Сал ўжарроқ — дўзали.**
**Тоғликка хос ҳунари,**
**Эгар ясар, қўм тикар.**
**Ўрмадўз қамчи ясаб,**
**Пўстинларни жўн тикар.**

* * *

**Улкан мешга ўхшайди,**
**Чор тарафдан Саночсой.**
**Тўрт овулнинг чорваси,**
**Боқилувчи сўлим жой.**
**Бобонинг қўналғаси**
**Ўзига хос Дўнгбулоқ.**
**Ўн тутунли маҳаллага**
**Жуда қулай, ўнг булоқ.**
**Норбой ёлғиз фарзанддир,**
**Ота билан онадан.**
**Чегаранинг ўзи йўқ,**
**Ўнта аҳил хонадон.**
**Уйланмади Ҳайитбой,**
**Ўзи шуни хоҳлади.**
**Чолу-кампир ўтишди**
**Кўкка ўрлаб оҳлари...**
**Сабабини билолмай,**
**Ҳамон ҳайрон ёш-қари.**
**Аёл тўпин Ҳайитбой**
**Тўйда борар бошқариб.**
**У ҳамиша дарёдил,**
**Эмин-эркин, кенг яшар.**
**Баъзи қитмир Норбойни**
**Хотинларга менгзашар.**
**Сабаб, элнинг оғзига**
**Элак тутиб бўлмайди,**
**Ғийбатчидан эзгулик,**
**Савоб кутиб бўлмайди.**
**Дўнгбулоққа ёндошдир,**
**Қишлоғимиз кўраси.**
**Шу боисдан биз ёқдан**
**Унинг дўсти, жўраси.**
**Таъмирлаймиз йил сайин,**
**Хўжалик саройларин.**
**Сўнг, суваймиз бобонинг**
**Отхонасин, томларин.**
**Асло дариғ тутмайди**
**Қази, қулчатойини,**
**Баъзан қўмсаб қоламиз**
**Кийик ўтли чойини.**
**Қуралар таъмирлангач,**
**Нуқта ҳам қўяр бўлдик.**
**Хўжалик ҳисобидан**
**Бир новвос сўяр бўлдик.**
**Бу воқеа аслида**
**Қуйидагича юз берган—**
**Ошпаз сўраб борганда**
**Бобо болта, туз берган.**
**Кейин билсак, ўшанда,**
**Хатога юз тутибмиз.**
**Норбобога насиба**
**Беришни унутибмиз.**
**Шу кун шайтон озғириб,**
**Бизларни ғафлат босди.**
**Рости гап оқибатни**
**Қилибмиз оёқ ости.**
**Ғурурли чол илинжни**
**Бошдан ҳавола қилиб.**
**Хуфтон намозидан сўнг**
**Тангрига нола қилиб,**
**Пинакка кетган экан**
**Ёстиғи ён бошида,**
**Тонгда недир дупурган**
**Япасқи том бошида.**
**Бобо чиқса тепада**
**Кийик сергак турибди.**
**Ўнг оёқдан ўқ еган,**
**Оқсоқланиб юрибди.**
**Чолни кўрган жонивор,**
**Ўзин урди қўрага.**
**Ҳайриятки атрофи**
**Четан девор — ўралган.**
**Ўқириқни бир нави**
**Илинтирди шохига,**
**Яраттан ёрлақаса**
**Омад боқар гоҳида.**
**Бир коса шўрвани-ку,**
**Кўзимиз қиймаганди.**
**Чол кийик гўшти билан**
**Бизларни сийлаганди...**

* * *

**Ҳайит куни Норбобо**
**Ҳимматни ортиқ қилган,**
**Менга ушбу қамчинни**
**Беминнат тортиқ қилган.**



*Ж.Мирзо чизган суратлар.*

# "БУРГА ТЕПДИ"...

**Жигарранг қашқа бургани,**
**Қўш туёғин тақалаб.**
**Совутардим тонг чоғида,**
**Тулпорқўлни ёқалаб.**
**Итдан чўчиб, кайфи учиб,**
**Беҳосдан тўнғирчоқлаб,**
**Ўтлаб юрган нор Туяни,**
**Ёнбошига тепди чоғлаб.**
**Мен ўмбалоқ ошиб тушдим,**
**У айғирдай кишнади.**
**Сўнг, Норматнинг эшшагини,**
**Нақд сонидан тишлади.**
**Буни кўриб бир буқанинг**
**Ғазаби тошиб кетди,**
**Бургага тенг келаман деб,**
**Қайрилиб боши кетди.**
**Бўри эса олазарак,**
**Паналаб қочди ўрга.**
**Олти киши олти ёқдан,**
**Тушовлаб олдик зўрға.**
**Бу нотавон қадимда ҳам,**
**Кўп ташвиш солса керак.**
**"Бурга тепди" деган нақл,**
**Ўшандан қолса керак...**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вазирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаевга отаси **САЙФУЛЛА ҳожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаевга отаси **САЙФУЛЛА ҳожи отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2936. Буюртма Г — 1149. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН